

**"ТАСДИКЛАЙМАН"**  
Яккабоғ туман Халқ таълими бўлими  
муdiri \_\_\_\_\_ У. Нурматов

\_\_\_\_\_ 2022 йил



**Яккабоғ туман Халқ таълими бўлимига  
қарашли мактабларнинг 2022 йил  
Жорий таъмирлаш ишлари юзасидан  
энг яхши таклифларни танлаш бўйича  
танлов иштирокчисини танлаб олиш  
ҳужжатлари**

Яккабоғ -2022 й

Яккабоғ тумани Халқ таълими бўлига қарашли мактабларнинг 2022 йил июль ойи жорий таъмирлаш ишлари бўйича

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Яккабоғ туман Халқ таълими бўлими (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Яккабоғ тумани халқ таълими бўлимига қарашли ----- 36-----мактабни жорий таъмири ишлари
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш,хизматни тугаллаш) шарти:	13175970 (-----) сўм ----- Шундан ККС: ----- сўм (-----) ----- МФЙ)м. Таъмирлаш ишларини бажариш 30 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Яккабоғ тумани Халқ таълими бўлими
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Чориев Дилмурод тел: 912162474 Т.Тиловов тел :916191705 Яккабоғ тумани А.Темур 7-уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шарти:	Танловда иштирок этадиган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва гувоҳнома таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари); Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишни таъминлайдиган малака ҳужжатлари, танлаш таклифини қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закатат ёки банк қафолатининг мавжудлиги –Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган махсус техникалари тўғрисида маълумотлар,- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик ш тажрибасига оид ҳужжатлар,-Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш,-Танлов иштирокчисини салоҳиятини белгиловчи ҳужжатлар, -Танлов иштирокчисини иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар.(Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштирадилар)
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт.Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча ҳужжатлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт.Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади.Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт.Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.



Яккабоғ тумани Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йилги жамоатчилк фикри асосида шаклланган, "Очик бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлар бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномалари

**МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ  
Р Ё Й Х А Т И**

1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид килиш ҳужжатларига 5-илова)
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳр билан тасдиқланган нусхаси
3	Закалад киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномаснинг нусхаси ёки банк қафолатининг асл нусхаси (харид килиш ҳужжатларига мувофиқ талаб килинганда)
4	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хатлар (харид килиш ҳужжатларига 6-илова)
5	Молиявий ҳисоботлар (ташки аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул килинганлиги тасдиқланган ҳолда)
6	Ишчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ҳодимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси)
7	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси. Банк маълумотлари
8	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза ( хард килиш ҳужжатларига 14-илова)

ИЗОҲ: *Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

Яккабоғ тумани Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йилги шаклланган, "ОЧИК БЮДЖЕТ ҳисобидан" Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида шаклланган сметага асосан пудрат ишлари бўйича "Энг яхши тақлифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштирилган эълон талабномалари  
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	15	1. Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. 2. СТИР рақамлари. 3. Статистик маълумотлар. 4. Тўловга қолдириги ва айланма маблағлар билан таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат. 5. Ҳисоб рақамдаги қолдиғи. 6. Солиқ, банк кредитлари ва бошқа тўловлардан қарзорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар. 7. 1 маротабадан ортиқ ташланган ҳужжатлар инobatга олинмайди. 8. Смета харажатларининг 3 % и пудратчи томонидан коплаб бериш тўғрисида ташкилот раҳбари номига ёзилган қафолат хати <b>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади) 6. Корхона ёки раҳбарнинг телефон рақами бўлиш шарт</b>
2	Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлар мавжудлиги	30	1. (Танлашда иштирок этиш учун танлов комиссияси раиси номига ёзилган ариза ва қафолат хати 2. танлаш предмети бўйича тақлиф, молиявий ҳисоботлар, 3. иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатарида эмаслиги, 4. буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, 5. қафолат хати, 6. харид комиссия раиси номига ёзилган коррупция қўриқчиларга йўл қўймаслик бўйича ариза) қафолат хати <b>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади)</b>
3	Танлаш тақлифнинг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган зақалат ёки банк қафолатининг мавжудлиги	30	1. Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши тўғрисида қафолат хати асословчи танлов предмети бўйича тегишли банк муассасасидан қафолат хат тақдим этилиши лозим. 2. Шунингдек талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамидан танлов предмети камиди 20% миқдорда маблағлар қолдиғи бўлиши банк обороткасида ёки банк тасдиқлаган маълумотнома бўлиш шарт. 3. Катнашувчи талабгорнинг Солиқдан ёки аудитдан 3 йиллик ҳулосаси ёки текширув утганлик далолатномаси. 4. Солиқлар ва йиғимлар тўлаш бўйича мудлати ўтган қарзорлиги мавжуд эмаслиги бўйича Давлат Солиқ инспекциясидан тасдиқланган маълумотнома 5. Қурилиш ва бошқа бажарилган ишлар бўйича леңинзия олганлиги тўғрисида маълумот <b>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади)</b>
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар ва бошқа ҳужжатлар	25	1. Охириги 3 йил давомида бажарилган ишлари бўйича қисман далолатномалари ва бажарилган ишлар Ф2 Шунингдек аввалги шартномалар бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар 2. Жорий танлаш объектини жойла ўрганганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (Мақбат маъмуриятидан маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланган бўлиш шарт) 3. Ҳодимлар сон ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар 4. <b>Танлов иштирокчиси билан суд ёки арбитраж кирмаганлик тўғрисида юқори ташкилотдан тасдиқланган ҳужжатлари</b> <b>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади)</b>
<b>ЖАМИ:</b>		100	

Изоҳ: Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуннинг 62-моддасига асосан, ўз шахсий кабинетлари орқали 2 иш куниди электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлар мумкин. Агар икки иш кунини ичида танлаш иштирокчилар томонидан ўтказилиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қўриб қўйилган танлов объектлари бўйича эътирозлар қабул қилинмайди. "Пудратчи" томонидан шартноманинг 30% и ўтганидан сўнг тўғридан-тўғри **ООО "SPECIAL DESIGN PROJECT"** корхонаси ҳисоб-рақамига ўтказиб берилади. Шунингдек муҳокама белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан қўриб чиқилмаслиги тўғрисида огоҳлантирамиз.

Комиссия аъзолари

Яккабоғ Халқ таълими бўлими  
в/б бош ҳисобчиси:  
комиссия аъзоси

Н. Жумаев

Яккабоғ туман Халқ таълими  
бўлими иқтисод бўлими бошлиғи,  
комиссия аъзоси

А.Хўжабердиев

Яккабоғ туман Халқ таълими  
бўлими, қасаба уюшма раиси,  
комиссия аъзоси

С.Суёнов

Яккабоғ туман Халқ таълими  
эксплуатация бўлими  
Мутахассиз назоратчи;

Т.Тиловов

Яккабоғ туман Халқ таълими  
бўлими, моддий қийматлар бўйича  
мутахассиси, комиссия аъзоси

Т.Ёдгоров

Яккабоғ туман Халқ таълими  
бўлими, "Давлат харидлари ва  
шартномалар билан ишлаш"  
бўлими бошлиғи, котиб

Д.Чориев